

КЕКСАЛАР БИЗНИНГ ФАХРИМИЗ

СамДАҚИ, Кенжаев Мирзохид Эргашевич

Халкимиз қадим – қадимдан ўтган авлодларни муносиб хотирлаб келади. Ватан озодлиги бугунги мустақиллик кунлари учун жонини фидо қилган барча юртдошларимизни бугун орамизда бўлмаган яқинларимизни хотирлаб сафимизда бор бўлганларини қадрлаб ўтганларнинг руҳини шод этамиз. Хаётнинг пасту баландини кўп кўрган аччиқ – чучугини тотган фахрийларимизга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш уларни ардоқлаш дуосини олишдек савобли ишларни ташкил этиш ҳам қарз ҳам фарздир. Мўътабар боболаримиз ва момоларимизни ота – оналаримизни рози қилиш уларнинг дуоларини олишга мушарраф бўлиш ҳаётдаги энг улуғ энг савобли ишдир. Истиқлолнинг илк кунлариданоқ кекса авлод вакиллари ўзларига раво кўрилаяётган яхшиликлардан бошлари осмонга етмоқда. Амалга оширилаяётган тадбирлар кексалар турмушини маъмур ва фаровон этмоқда. Инсон манфаати улуғланаяпти унинг қадр – қиммати жойига қўйилмоқда.

Аслида инсон бу дунёга бекаму – кўст гўзал фаровон ҳаёт кечириш учун келади. Она – Ватан тараққиётига муносиб хисса қўшиш ниятида яшайди. Халол ва кўп йиллик меҳнатлари қадрланиб бугунги тинч ва мусаффо осмон остида ўғил қизлар набиралар атрофида қарилик гаштини сураётганига чин юракдан шукроналар қилади.

Кексалар бизнинг фахримиз ҳар бир авлод риштасини боғлаб келувчи уни мустаҳкамлаш учун бор куч – ғайратини сарфлаяётган кишилардир. Уларнинг ижтимоий ҳаётимизда тутган ўрни ва салоҳиятини ёш авлод тарбисидида тутган беназир ўрнини инобатга олиб республикаимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан 2002 йилга «Қарияларни қадрлаш йили» деб ном берилгани хали халкимизнинг хотирасидан кўтарилмаган бир вақтда орадан роппа – роса ўн йил ўтгач бу ташаббус ва эзгу ҳаракатга янада кенг йўл очилди.

Юртимиздаги ҳавфсизлик ва осойишталик ижтимоий – иқтисодий ривожланиш мустақилликни бевосита ва билвосита катта авлод

вакиллларининг саъй – ҳаракати ва улушига бориб тақалади.Эл – юрт равнақи ва фаровонлиги учун тер тўкиб халол меҳнат қилиб келаётган бу инсонлар айна пайтда юртимиз келажаги учун хизмат қиладиган фарзандларни ҳам тарбиялаб вояга етказдилар. Йиллар ўтиб умр сўқмоқларидан донишмандлик фаслига соғ – омон етиб келган нуроний отахон ва онахонларнинг жамиятимиз фахри оилаларимиз чороғбонига айланаётганининг асл сири ҳам шунда. Қолаверса ўзбек халқи турмуш тарзининг маънавий бўлаги ҳисобланган каттага ҳурмат кичикка иззат тушунчаси бугунги кунга келиб яна ҳам сайқалланмоқда ёш авлод томонидан мамнуният билан қабул қилинаётир. Қаерга қайси даврага бормайлик ёши улуғлар ҳурматда ёшлар эса хизматда эканлигининг гувоҳи бўламиз. Давранинг тўри кексаларга таомнинг аввали уларга ёшларга йўл – йўрик бериш дуо қилиш ўз умрининг сабоқларини илиниш бари – барида донишмандлик хикматлари мужассамдир.

Кексалик даври инсон ҳаётининг муҳим босқичи бўлиб турли касб – корда фаолият кўрсатган одамлар учун фалсафий бекатдир. Ҳаёти мобайнида жамият равнақи оиласи фаровонлиги учун қилган халол меҳнати туфайли бой тажриба орттириш уни ҳолис тарзда ўз фарзандлари яқинлари ҳамкасблари ва маҳалладошларига узатиш даврини донишмандликка файласуфликка тенглаштирамиз.

Ватанимиз мустақилликка эришгандан сўнг инсонни улуғлаш унинг манфаатларини таъминлаш барча ислохот ва ўзгаришларнинг асосий мезонига айланди. Инсонпарварлик сиёсати таркибида ёлғиз кексаларни, меҳнат фахрийларини ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш уларга ижтимоий хизмат қилишни янада кучайтириш чора тадбирлари ҳақидаги қарорларнинг ҳамда Давлат дастурларининг қабул қилиниши инсон учун қулай турмуш шароитини яратиб бериш борасида олиб борилаётган амалий ишлар алоҳида эътиборга лойиқ. Айниқса жамиятимизнинг қурқи фариштасига айланган кексаларнинг иззат – иқромини жойига қўйиш ҳар биримизнинг бурчимизга айланган.

Аҳолининг кексалик даражаси қанчалик юқори бўлса шахснинг кексайиш

даражаси шунчалик узок бўлади. Ижтимоий кексаликнинг бошланиши фақатгина аҳолининг демографик кексайишинигина эмас балки бошқа ижтимоий белгиларни ҳам қамраб олади. Меҳнат ва дам олиш шароитлари санитария – гигиеник шароит соғлиқни сақлаш даражаси ижтимоий таъминот маданият ва илм олиш экологик хавфсизлик ишлаб чиқаришнинг ривожданиши моддий – маънавий талабларнинг қондирилиши яхши иқлим даражаси ҳаёт тарзини белгиловчи муҳим белгилардан саналади. Бунга фақат субъектга ҳос бўлган зарарли одатларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги хронологик касаллик шикастланишгана эмас балки ижтимоий наслдорлик ҳам киради.

Юртимиз аҳолисининг ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73.5 ёшга аёлларнинг ўртача умр кўриши 75.8 ёшга етди. Ўртача умр кўриш даражасининг юқорилашиши бениҳоя кўп омилларга боғлиқ. Тинч ва осойишта ҳаёт, эртанги кунга ишонч, маънавий муҳит, жамиятдаги ўзаро ҳурмат – эҳтиром малакали тиббий хизмат ижтимоий адолатнинг барқарорлиги фикримизнинг далилидир. Шунини айтиш мумкинки мана шу омиллар пиру – бадавлат нурунийларимизнинг умрига умр қўшмоқда.

Кексаликни, кексаларни чин дилдан қадрлаган инсоннинг ўзи ҳам таббарук ёшга етади. Жамиятнинг иззат иқромига сазовор бўлади. Ўзи яшаб турган маҳалланинг туманнинг эъзозли қариясига айланади. Бунини ҳаёт ҳар лаҳзада исботлаб турибди. Зеро Юртбошимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимда «Барчамизни оқ юшиб оқ тараган она юртимизнинг оғир юкини унинг қувонч ва ташвишини умр бўйи елкасида кўтариб келган мўътабар боболаримиз ва момоларимизни ота – оналаримизни рози қилиш уларнинг дуосини олиш- дунёдаги энг улуг энг савобли иш десам ўйлайманки барчангизнинг фикрингизни ифодалаган бўламан» деганлари фикримизнинг яққол далилидир. Шундай экан, бобо – бувиларимиздан қолган меросни бутун умр давомида ҳурмат ва иззат қилайлик.